

**“Тасдиқлайман”**  
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**“Ягона буюртмачи хизмати” ИК**  
**бош муҳандис в.б.**



С.С. Сагдиев  
 2022 й

**Олмазор тумани "Юқори Себзор" МФЙ кўп квартирали 52-уйнинг 5 та лифтини  
 янгилаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар рўйхати ва талаблар	Асосий маълумотлар мазмуни ва талаблар
1	2	3
1	<b>Объектнинг номланиши.</b>	Олмазор тумани "Юқори Себзор" МФЙ кўп квартирали 52-уйнинг 5 та лифтини янгилаш
2	<b>Буюртмачи.</b>	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси, манзил: 100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси, 16а-уй.
3	<b>Лойиҳалаштириш учун асос.</b>	Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 1 ноябрдаги 1126-14-0-Q/22-сонли қарори
4	<b>Бош лойиҳа ташкилоти.</b>	Танлов савдолари орқали аниқланади.
5	<b>Бош пудрат ташкилоти.</b>	Тендер савдолари орқали аниқланади.
6	<b>Лойиҳалаштириш босқичи.</b>	Ишчи лойиҳа.
7	<b>Қурилиш майдони характеристикаси (зилзилавийхудуди, ер чўкувчанлик гуруҳи вабошқалар).</b>	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Ер чўкувчанлиги муҳандислик ва геология асослари орқали аниқланади.
8	<b>Объектнинг жойлашган худуди.</b>	Олмазор тумани "Юқори Себзор" МФЙ кўп квартирали 52-уйнинг манзилида
9	<b>Лойиҳалаштириладиган объектни мураккаблик даражаси (категория сложности).</b>	II - тоифа.
10	<b>Қурилиш тури.</b>	Лифтини янгилаш
11	<b>Объектнинг лойиҳавий қуввати</b>	Лойиҳа - смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқлаштирилади.
12	<b>Тураржой, жамоат биноси ва</b>	Лойиҳа - смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида

№	Асосий маълумотлар рўйхати ва талаблар	Асосий маълумотлар мазмунини ва талаблар
1	2	3
	бошқа турлари (қават, секция ва хонадонлар сони, намунавий ёки индивидуал лойиҳа в х.к.).	аниқлик киритилади.
13	Шаҳарсозлик, ҳажмли – режалаштириш ва конструкторлик ишларига талаблар.	Лойиҳа халқаро стандартларга жавоб берадиган янги технологиялар, тузилмалар ва материаллардан фойдаланишни ўз ичига олади.
14	Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар Конструктив қарорлар, асосий ва ажратувчи конструкциялар материаллари, ёнғинга бардошлик ва фасад қисмини безатиш.	Олмазор тумани "Юқори Себзор" МФЙ кўп квартирали 52-уйнинг 5 та лифтини янгилаш лойиҳасида қуйидагилар кўзда тутилиши керак: Лойиҳа - смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқ иш турлари кўрсатилади.
15	Ташқи фасад материали ва ранг намунаси	Қурилиш бошқармаси ва тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда.
16	Том қисимларининг турлари	Меъморий ечимдан келиб чиққан ҳолда намунавий тугунлардан (узеллар) фойдаланиш.
17	Ташқи муҳандислик изланишлар зарурияти.	1:500 нисбатдаги топографик харита ҳулосасига асосан.
18	Лойиҳалаш учун буюртмачи томонидан берилган дастлабки маълумотлар таркиби.	Муҳандислик-қидирув ишлари бўйича ҳужжатлар (топохарита) буюртмачи тақдим этади; Архитектура - режалаштириш топшириқлари, атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва ҳулоса, зарур ҳолларда лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилади.
19	Молиялаштириш манбаи.	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.
20	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари.	2022-2023 йил.
21	Ёнғин ҳавсизлиги талаблари.	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
22	Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	АРТ-1-2 қисм ва техник ҳулосасига асосан ишлаб чиқилсин.
23	Ички муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	Лойиҳа - смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқ иш турлари кўрсатилади.
24	Қуёш батареялари ва қуёшли сув иситиш коллекторларининг қувватлари	ШНҚ 2.04.16-18 “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари” талабларига асосан ишлаб чиқилади
25	Иссиқлик таъминоти	ҚМҚ 2.04.07-99 “Иссиқлик тармоқлари” талабларига асосан ишлаб чиқилади.

№	Асосий маълумотлар рўйхати ва талаблар	Асосий маълумотлар мазмунини ва талаблар
1	2	3
		Техник хулосаларни тақдим этилиши лозим.
26	<b>Энергия сарфи бўйича талаблар.</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 6 май куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Электротехника тармоғида фойдаланилмайётган имкониятлар ва янги захираларни сафарбар қилиш бўйича устувор вазивалар тўғрисида” ги йиғилишнинг 42-сонли баёни 9-банди билан боғча, мактаб, касалхона ва бошқа ижтимоий объектларда маҳаллий ишлаб чиқарилган муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш ва қуёш электр панеллари тизимларини жорий этиш топшириғи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрда “Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва кичик қувватли қайта тикловчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-220-сонли фармони.
27	<b>Табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар.</b>	Лойихада кўп йиллик дарахтларни кесилишига йўл қўйилмасин. Мавжуд дарахтларни муҳофаза ҳудудини таъминлансин.
28	<b>Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.</b>	Атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиха ва ҳулоса лойиҳачи томонидан тақдим этилади.
29	<b>Лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишиш.</b>	Бош режа ва бинонинг фасад қисми ШНҚ 1.03.01-08. бўйича Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси билан келишилсин. Лойиҳа бўйича қарорлар зарур бўлган ташкилотлар билан келишилсин жумладан Санитария-эпидемиология хизматлари, ФВВ ИИВ, ЙПХ, “Узгосэнергоназор” ДИ.
30	<b>Қурилиш муаллифлик назорати.</b>	Муаллифлик назоратини олиб бориш лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган график асосида олиб борилади. Объектда пудратчи ёки Буюртмачи томонидан масала кўтарилганида, лойиҳачининг объектга бориши зарурий шарт ҳисобланади.
31	<b>Ерларни рекультивация қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар.</b>	АРТ-1 қисм ва техник ҳулосасига асосан ишлаб чиқилсин.

№	Асосий маълумотлар рўйхати ва талаблар	Асосий маълумотлар мазмун ва талаблар
1	2	3
32	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини (ҚТЭЛ) ишлаб чиқиш	Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) – тўлиқ ҳажмда ШНҚ 3.01.01-03 га мувофиқ ишлаб чиқилади.
33	Фуқаролик химояси ва фавқулотда вазиятлардан огохлантириш талаблари.	Фавқулотда вазиятлар бошқармасининг норматив ҳужжатлари талабларига асосан бажарилсин.
34	Имконияти чекланган шахсларга шаронт яратиш бўйича талаблар.	ШНҚ 2.07.02-96 ва бошқа турдаги норматив ҳужжатлар талабларига асосан бажарилсин (пандус).
35	Буюртмачига топшириладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби.	ШНҚ-1.03.01-20 нинг 13.7 банди талабларига мос равишда бўлиши шарт. Ишчи лойиҳа ушбу топширик талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусҳада ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим Смета ҳужжати 1 нусҳада китоб ва электрон шаклда (диск).

#### “Буюртмачи”

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачихизмати” инжиниринг компанияси, бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси

Ш. Қодиров

Х. Юсупов